



КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР СУБЪЕКТЛАРИ: КРИМИНОЛОГИК ТАҲЛИЛ

Нурмухаммедова Гўзалхон Баҳодировна

Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги
университети кафедра доценти, (PhD)
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7329166>

ARTICLE INFO

Received: 04th November 2022

Accepted: 15th November 2022

Online: 16th November 2022

KEY WORDS

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар, коррупцияга қарши кураш, жиноятчи шахс, криминалогик тавсиф, шахснинг ижтимоий-демографик белгилари.

Коррупция ижтимоий ҳаётда юз бераётган янгича ўзгаришларга мослашиш жараёнидаги қийинчиликларни кўрсатувчи белгидир. Дунёда давлатлар ижтимоий ҳаётида янгича ўзгаришлар юз берган вақтда, жамият бундай ўзгаришларга қийинчилик билан мослашиб, ҳукумат бу шароитда ўз самарадорлигини бирмунча йўқотиши натижасида коррупциянинг келиб чиқиши ва ривожланиши учун имконият туғдиради.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги пора олиш билан боғлиқ жиноятларни таҳлилдан ўтказганда, 2020 йилда 118 оғир, 13 ўта оғир даражадаги пора олиш жинояти содир этилган. 2021 йилда эса 62 оғир, 6 ўта оғир даражадаги пора олиш жиноятлари учраган [1].

Олинган статистик маълумотларга кўра, республика бўйича жами 2018 йилда

ABSTRACT

Мақолада коррупция билан боғлиқ жиноятлар субъектларнинг криминалогик тавсифи батафсил ёритиб берилган. Таҳлил натижалари асосида муаллиф томонидан коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда қайси тоифа шахсларга эътибор қаратиш лозимлиги ва бу борада қандай чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

жавобгарликка тортилган шахсларнинг 21,2% нафари иқтисодиёт соҳасидаги ҳамда ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар учун, шундан 10,1% айнан порахўрлик жиноятлари (ЖК 210, 211, 212-моддалари) учун жиноий жавобгарликка тортилган.

«Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2019 йилда ўтказилган коррупция бўйича сўровда[2] қатнашганларнинг 66,5 фоизи Ўзбекистонда коррупция сингари салбий ҳолат тарқалган деб ҳисоблайди. Қарийб 17 фоиз иштирокчилар коррупция ҳамма жой ва соҳаларни қамраб олган деган фикрдадир. 29 фоиз сўралганлар эса, мансабдорларнинг ҳар иккинчиси коррупционер деб ҳисоблайди. Сўровда иштирок этганларнинг 26 фоизи мамлакатда



коррупцияга қарши ўтказилаётган курашда очиқлик ва ошкоралик, уни оммавий ахборот воситаларида ёритиш ишларини етарли эмас ва бу ҳолат коррупциянинг асосий сабабларидан деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатларни ратификация қилган ва мазкур ҳужжатларда бевосита коррупция билан боғлиқ жиноят турлари алоҳида санаб ўтилган. Жумладан, БМТнинг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси[3] нинг 15-25-моддаларида, Европа Кенгаши томонидан 1999 йил 27 январда қабул қилиниб, 2000 йил 1 июлдан кучга кирган “Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида”ги Конвенция[4] нинг 2-15- моддаларида, Америка Давлатлари Ташкилоти томонидан 1996 йил 26 мартда қабул қилинган “Коррупцияга қарши Америка-давлатлараро Конвенция”си[5] бўлиб, ушбу Конвенциянинг 6-моддасида миллий ва хорижий давлат мансабдор шахсларининг порахўрлиги, мансабдор шахс томонидан мулкни ўғирлаши, ноқонуний ўзлаштириши ёки ўзга мақсадларда фойдаланиши, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш, хусусий секторда порахўрлик актив ва пассив порахўрлик, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, хизмат лавозимидан шахсий манфаатларида фойдаланиш, одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш ва ҳ.к. каби турлари алоҳида мустаҳкамланиб қўйилган.

Шунингдек, хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам алоҳида коррупция

билан боғлиқ жиноят турларини кўришимиз мумкин. Хусусан, Россия Федерациясининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Федерал қонуни[6]га кўра, қуйидаги ҳаракатлар коррупция сифатида баҳоланади:

- хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш;
- порахўрлик (пора олиш ва бериш);
- ҳокимият ваколатини суиистеъмол қилиш;
- тижоратдаги порахўрлик;
- жисмоний шахс томонидан давлат ва жамиятнинг манфаатларига зид равишда ўз мансаб ваколатидан фойдаланиб ўзи ёки учинчи шахс учун пул, қимматбаҳо нарсалар кўринишида фойда олиш ёхуд мулкий манфаатлар ёки мулкий хусусиятдаги хизматларни олиш ёхуд шундай имтиёزلарни кўрсатилган шахсларга ноқонуний тақдим этиш қабилар.

Амалиётда эса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167, 171, 184, 205, 206, 208, 210, 211, 212, 213, 214, 235, 236, 238, 243, 301-моддалари Коррупция билан боғлиқ жиноятлар сирасига кириши кузатилмоқда.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар қуйидагилар деб айтишимиз мумкин:

- ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш;
- жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш;
- нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;
- нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш;



- ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш;
- ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш;
- ҳокимият ҳаракатсизлиги;
- порахўрлик (пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш);
- давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;
- давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши;
- товламачилик ёки мансабдор шахс ёхуд хизматчи томонидан ўз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги эвазига ўзи учун ёхуд учинчи шахслар учун мулк ёки иш, хизмат, ҳомийлик, имтиёзларни ваъда қилинишини талаб қилиш ёхуд мулкка бўлган ҳуқуқни беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш.

Жиноятчиликнинг вужудга келтирувчи бу сабаб ва шароитлар умумий "криминоген омил (детерминант)" тушунчаси билан бирлаштирилади. Жиноятчиликнинг детерминантлари бўлиб жиноятчиликни белгиловчи ва унинг пайдо бўлишида ёрдам берувчи сабаб ва шароитлар ҳисобланади[7]. Айнан шундай детерминантлардан бири бу коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этувчи шахсларнинг криминологик тавсифидир.

Криминологияда «жиноятчи» ва «жиноятчининг шахси» каби атамалар категория, яъни ҳар бири мустақил тушунчалар сифатида талқин этилади.

Биринчидан, жиноятчилар дейилганда ақли расо шахслар тушунилади. Бошқача айтганда, ақли расо шахслар қаторига ижтимоий хавfli қилмиш содир этиш вақтида руҳий бетоблиги ёки вақтинчалик руҳий тушкунлиги оқибатида ўз хатти-ҳаракатларига жавоб бера олмайдиган шахслар киритилмайди. Бу борада жиноят ҳуқуқи фанида ҳам ўзига хос ёндашув мавжудлиги кўпчиликка яхши аён.

Иккинчидан, жиноятчилар ўз ҳаракатлари билан жиноят қонунчилигида жиноят тариқасида қайд этилган ижтимоий хавfli қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлиги натижасида содир этадилар. Бу қилмишлар, яъни зарурий мудофаа, охирги зарурат ёки таваккалчилик ҳолатлари қонун асосида фарқланиши лозим.

Учинчидан, «жиноятчи» тушунчаси криминология нуқтаи назаридан бир мунча кенг мазмунга эгаллигига эътибор қаратиш лозим. Яъни криминология нуқтаи назаридан «жиноятчи» тушунчаси ўз ичига маҳкумни ҳам ёки жинойий қилмиш содир этган шахсни ҳам олади. Жинойий қилмиш содир этиб қонун асосида жавобгарликдан озод қилинган шахслар ҳам шулар жумласига кирази. Маҳкум – қонунан кучга кирган суд ҳукми асосида жазони ўтаётган шахс. Шунинг учун ҳам жиноятчилар ҳақида олиб бориладиган умумий статистик кўрсаткичлар ҳисобига маҳкумлар миқдори ҳам киритилади[8]. Криминологияда жиноятчи шахсини ўрганишдан асосий мақсад –



жиноятчиликни юзага келтирувчи сабаб ва шароитларни ўрганиш ва шу асосда жиноятчиликнинг олдини олишда зарур бўладиган усул ҳамда воситаларни илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва зарур тавсиялар беришдан иборат[8,71].

Криминология фанида шахсга оид хусусиятлар тизими қуйидаги тартибда белгиланган:

- ижтимоий-демографик ва жиноий-ҳуқуқий белгилари;
- ижтимоий ҳолатлари (ижтимоий яшаш тарзидаги юзага келувчи ўзаро муносабатлар);
- маънавий хусусиятлари.

Ушбу белгилар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб туради. Хусусан, *шахснинг ижтимоий-демографик белгилари* (ёши, маълумоти, касби, яшаш жойи кабилар) ўз навбатида унинг жамоатчилик ҳаётида тутган ўрнини белгилаш ва маънавий шаклланиши билан узвий боғлиқ ҳолда кечади. Маънавий-руҳий хусусиятлари эса унинг шаклланишига таъсир этган ижтимоий ҳолатлар қандай кечганлигини ифодалайди, қолаверса, шахснинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни билан боғлиқ вазифаларни қандай бажараёт-ганлигини баҳолашга ҳам имкон яратади.

Коррупционер шахсининг тавсифи уларни иккита мустақил ва бир-биридан фарқ қилувчи криминологик портретидан ташкил топган[9]:

а) давлат органларининг мансабдор шахси; давлат ёки маҳаллий органлар хизматчиларининг ғайриқонуний равишда енгилликлар, имтиёзлар бериши ёки олиши;

б) юқоридаги мақсадларни кўзлаб маблағ берувчилар ёки бошқа хизмат кўрсатувчилар киради.

Тадқиқот давомида Тошкент шаҳрида жами коррупция билан боғлиқ 516 та жиноят иши материаллари ўрганилган бўлиб, мазкур иш бўйича 860 нафар шахсга судлар томонидан ҳукм чиқарилган[10].

Тошкент шаҳрида содир этилган коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг қарийб ярмини, яъни 48,5% ни ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-тарож қилиш жинояти (ЖК 167-моддаси) ташкил қилмоқда. Ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-тарож қилиш жиноятларнинг мансабдорлик жиноятлари (ЖК 205-209-моддалари)-(43.2%) ҳамда ҳужжатларни қалбакилаштириш (ЖК 227-228-моддалари)-(37.5%) билан биргаликда содир этилган.

Тошкент шаҳрида содир этилган мансабдорлик жиноятлари жами жиноятларнинг 35.1%ни ташкил этади. Бу кўрсаткичларнинг алоҳида жиноятлар нисбатида қуйидагича, яъни ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (ЖК 205-м.) - 7.1%ни, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖК 206-м.) - 2.4%ни, мансабга совуққонлик билан қараш (ЖК 207-м.)-2.7%ни, ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЖК 208-м.) - 1.4%ни ва мансаб сохтакорлиги (ЖК 209-м.) - 21,5% ни ташкил қилган.

Порахўрлик билан боғлиқ жиноятлар жами жиноятларнинг 10.3%ни ташкил этган бўлса, шундан пора олиш (ЖК 210-м.) -5.6%, пора бериш (ЖК 211-м.) - 3.4%, пора олиш-беришда воситачилик қилиш (ЖК 212-м.)-1.3%ни ташкил қилган[10].



Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши (ЖК 214-м.) жами жиноятларнинг 2%ни ташкил этмоқда. ЖКнинг 192⁹⁻¹¹- моддалари тижоратда пора евазига оғдириб олиш, нодавлат нотижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора евазига оғдириб олиш, нодавлат нотижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суистеъмол қилиш жами жиноятларнинг 3.7%ни ташкил этган.

Юқорида келтирилган таҳлиллар натижаларига кўра, тадқиқотчининг фикрича коррупцион жиноятчилар қуйидаги тўрт мустақил гуруҳга гуруҳларга бўлиш мумкин: коррупционер-талон-тарож қилувчи (48,5%); коррупционер-мансабини суистеъмол қилувчи (35,1%); коррупционер-пора олувчи (5,6%); коррупционер-пора берувчи (3,4%).

Тошкент шаҳрида коррупция билан боғлиқ жиноят содир этган шахсларнинг криминологик таҳлили ўрганилганда, уларнинг 77% эркак жинсига мансуб шахслар томонидан, 23% аёллар томонидан содир этилган[10].

Демак, таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, коррупция билан боғлиқ жиноятлари асосан эркаклар томонидан содир этилар экан.

Шу ўринда савол туғилиши табиий, аёллар томонидан мазкур турдаги жиноятларнинг содир этилиш кўрсаткичининг пастлиги нима билан изоҳланади? Қатор фаразлар ва амалга

оширилган тадқиқот натижалари асосида бунинг сабаби қуйидагилар деган фикрга келинди:

- республикада давлат, мансаб лавозимларида аёллар улушининг камлиги;

- аёлларнинг қонунни бузиш мойиллигининг пастлиги;

- оилани боқиш мажбуриятига эга эмаслиги;

- ойлик маошининг пастлиги унинг мақомига салбий таъсир этмаслиги.

Оилавий аҳволига кўра, 87,3% оилали, 6,4%-ажрашган ва 6,3%-бўйдоқ, турмушга чиқмаганлар ташкил этади.

Маълумотига кўра, 64,3%-олий маълумотли (мансаб лавозими талабидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, табиий ҳол), 20,5% - ўрта-махсус маълумотлилар ва 15,2%-ўрта маълумотлилар томонидан содир этилган. Шуниси қизиққи, мазкур ўрта маълумотли шахсларнинг 44,3%-мансаб лавозимларида хизмат қилишган (МЧЖ директорлари)[10].

Демак, ўзгалар мулкани талон-торож қилишда иштирок этган шахслар таркибида маълумотли шахслар сони юқори ва жиноятнинг содир этилишида шахснинг маънавий жиҳатларини унинг маълумоти белгилайди дейишга асос йўқ, деб ҳисоблаш мумкин. Бунинг юзага келиши жиний қилмишни содир этиш усули билан боғлиқ эканлигини эътиборга олиш лозим. Олий маълумотли шахслар содир этадиган жиний қилмишларнинг пухта амалга оширилиши, ҳар бир вазиятнинг аниқ ҳисобга олиниши, зарур алоқалар ва иштирокчиларни танлаш, улар бажарадиган вазифаларнинг аниқ қўйилиши кабилар билан ҳам эътиборлидир.



Судланганлик ҳолатига кўра, коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этганларнинг 69% муқаддам судланмаган шахслар томонидан содир этилган, бу ҳам уларнинг хизмат талаблари билан боғлиқ. Жиноят содир этганларнинг 31% муқаддам судланганларни ташкил этади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, судланганларнинг 49,5% айнан муқаддам ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-тарож қилиш жинояти (ЖК 167-м.) билан, 57,1% мансабдорлик жиноятлари (ЖК 205-209-м.), порахўрлик билан боғлиқ жиноятлар (ЖК 210-212-м.) - 10,1%, Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши (ЖК 214-м.) - 2.2% ва 1.9%- нодавлат ноижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суистеъмол қилиш (ЖК 192¹¹-м.) билан судланган[10].

Ҳар бир жиноятни криминология нуқтаи назаридан таҳлил этишда жиноятчининг ёшини эътиборга олиш катта аҳамиятга эга. Чунки шахснинг ёши ва ижтимоий-руҳий ҳолатларини аниқлаш орқали у содир этиши мумкин бўлган жиноятларнинг вақтида олдини олиш чораларини кўриш имконияти юзага келади.

Коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларнинг ёш категорияси таҳлили кўйидагиларни кўрсатмоқда, яъни жиноятлар асосан 36-40 ёшдаги шахслар томонидан содир этилган, улар жами шахсларнинг 21,5%ни ташкил этади.

Эътиборлиси, иккинчи ўринда, жиноят содир этган шахсларнинг 18,2% 56-ва ундан юқори ёшдаги шахслар томонидан содир этилган. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, уларнинг кўпчилиги бугунги кунда нафақада, жиноятлар эса, бир неча йиллар илгари, улар хизмат фаолиятини олиб бориш даврларида содир этилган.

31-35 ёшдаги шахслар жами улушнинг 17,2% ни ташкил эса, 41-45 ёшдагилар 12,1 %ни ташкил этмоқда. 46-50 ёшдагилар жами шахсларнинг 11,7%ни, 51-55 ёшдагилар эса-11,45ни ташкил эган. Бу кўрсаткичлар орасида эса кам миқдорда 26-30 ёшдагилар-7,2%ни ҳамда 20-25 ёшдагилар-0.6%ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса, энди хизматга киришган ёшларнинг ҳали мансаб лавозимларини эгалламагналиги билан изоҳланиши мумкин.

Жиноят содир этган шахсларнинг ёш категориясини алоҳида жиноятлар тоифасида таҳлил этадиган бўлсак, ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-тарож қилиш жинояти (ЖК 167-м.) билан асосан 56 ва ундан юқори ёшдаги шахслар томонидан содир этилганлигини, яъни 20.1%ни ташкил этган (қиёслаш учун, 36-40 ёшдаги шахслар - 18,8%, 31-35 ёшдаги шахслар - 15,6%).

Худди шундай мансаб билан боғлиқ жиноятларнинг 25,3% 56 ва ундан юқори ёшдаги шахслар томонидан содир этилган (қиёслаш учун, 36-40 ёшдаги шахслар - 20,5%, 31-35 ёшдаги шахслар - 15,5%).

Порахўрлик жиноятларини эса, асосан 36-40 ёшдаги шахслар томонидан содир этилганлиги аниқланган, яъни шахсларнинг 25,8%ни ташкил этмоқда



Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши (ЖК 214-м.) жинояти асосан 41-45 ёшдаги (40%) шахслар томонидан содир этилган (қиёслаш учун, 31-35 ёшдаги шахслар - 35%).

Ва ниҳоят нодавлат нотижорат ташкилотда ёки бошқа нодавлат ташкилотда мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суистеъмол қилиш (ЖКнинг 192¹¹-м.)ни содир этганлар асосан 45,3%да 41-45 ёшдаги шахслар томонидан содир этилган (қиёслаш учун, 36-40 ёшдаги шахслар - 20,3%)[10].

Юқоридагилардан умумий хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, коррупция билан боғлиқ жиноятлар асосан 56 ва ундан юқори ёшдаги ҳамда 36-40 ёшдаги шахслар томонидан содир этилган.

Коррупция билан боғлиқ ўрганилган 516 та жиноят ишларида жами 1473та жиноят содир этилган бўлиб, жиноятлар содир этилиш соҳаси жиҳатидан уларнинг 30,8% - МЧЖларда содир этилган, асосан ЖКнинг 167-моддаси ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-тарож қилиш жинояти.

Қолган соҳаларнинг улуши нисбатан кам. Хусусан, улар орасида 6,3%-хусусий уй-жой ширкати ходимлари томонидан, 5%-ташкилотларнинг бош ҳисобчи, бухгалтерлари томонидан содир этилган, ИИО соҳасида 7,2% миқдорда, соғлиқни сақлаш соҳасида 3%, ўрта таълимда 5.4%, олий таълимда 0,7%, мактабгача таълим муассасаларида (асосан муассаса мудиралари

томонидан) 4,2% содир этилган. Қолаверса, юқори улушда электр тармоқлари соҳасида 4,2%, банк соҳасида 2,6%, шунингдек, қурилиш соҳасида (асосан Сергели туманида) - 1,2% ва автомагистраль, йўл жамғармаси (Сергели) - 3,1%да содир этилган.

Шунингдек, бозор директорлари томонидан 0,8%, нотариуслар-0,7%, ободонлаштириш-0,7%, махсустрас-1%, суғурта соҳасида 0,9%, бандликка кўмаклашиш 0,6%, МФЙ 0,6%да содир этилган.

Жиноятлар вақтинча ишсизлар томонидан 3,5%да, ва оддий ишчилар томонидан 2 %да содир этилган. Бу тоифадаги шахслар асосан ЖКнинг 167-моддасида иштирокчи тариқасида, ЖКнинг 211-моддасини пора беришда ва мансабдорлик жиноятларида иштирокчи сифатида қатнашишган.

Бу турдаги жиноятлар таҳлил этилса, ижро ҳоқимияти органларининг хизматчилари энг кўп коррупцияга чалинганлигининг гувоҳи бўласиз. Энг кўп коррупциявий ҳуқуқбузарликлар корхоналарнинг директорлари, раҳбарлари томонидан содир этилган.

Депутатлар, судья ва прокурорларнинг алоҳида жиноят процессуал статусга эга эканлиги улар ичидаги коррупционер мансабдор шахсларнинг аниқланиши ва жиноий жавобгарликка тортилишига тўсқинлик қилмоқда. Бу тўғрисида Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истанбул ҳаракатлар режасининг 2019 йилда эълон қилинган 4-раунд мониторингида ҳам мутахассислар томонидан ўрганилган



коррупция билан боғлиқ жиноят ишлари орасида судьялар ва прокурорларга нисбатан кўзғатилган жиноят ишлари жуда кам нисбатда эканлиги танқид қилинган[11, 14].

Тошкент шаҳрида коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этувчи шахсларнинг криминалогик тавсифига умумий ҳолда хулоса қилиб, уларнинг қуйидаги портретини ясашимиз мумкин, яъни мазкур турдаги жиноятларни олий маълумотли (64,3%), муқаддам судланмаган (69%), асосан 36-40 ёшдаги (21,5%) шахслар ташкил этмоқда.

Юқоридагиларни инobatга олиб, муаллиф томондан қуйидагилар таклиф этилади:

- таҳлиллар натижаларидан келиб чиқиб, ҳар бир давлат органи ёхуд давлат улуши мавжуд ташкилотлар ўз фаолияти хусусиятидан келиб чиққан ҳолда соҳада коррупция мавжуд бўлиш

эҳтимolini аниқлаши ва қарши курашда алоҳида дастурий режа ишлаб чиқиши;

- манфаатлар тўқнашуви Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонунида акс этган бўлса, бугунги кунга қадар унинг амалга оширилиш механизлари тўлалигича йўлга қўйилмаган. Шунинбатга олган ҳолда барча давлат идораларида давлат хизматчиларининг “Хулқ-атвор кодекси”ни ишлаб чиқиш ҳамда уларга нисбатан фақатгина интизомий санкциялар билан чегараланмасдан, интизомий жазо турларини кенгайтириш;

- хорижий мамлакатларнинг муваффақиятли тажрибасини ўрганиш орқали, давлат хизматчиларининг мулки ва даромадлари ҳақидаги декларациялар ва уларни текшириш ҳамда оммага ошкор этиш тизимини яратиш.

References:

1. https://www.uza.uz/uz/posts/korruptsiyaga-qarshi-kurashish-kuchayganidan-keyin-porabolish-kamaydimi-yoki_383043
2. <https://daryo.uz/k/2019/06/15/korruptsiya-boyicha-sorovda>
3. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31.10.2003 г.) [электронный ресурс]. URL: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml (дата обращения: 22.02.2015).
4. Convention drawn up on the basis of Article K.3 (2) (c) of the Treaty on European Union on the fight against corruption involving officials of the European Communities or officials of Member States of the European Union. Опубликована в Официальном Журнале (далее - ОЖ) N C 195, 25.06.1997, стр. 2 - 11.
5. <http://docs.cntd.ru/document/901934990>
6. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_82959/
7. Стрельников М. С. Детерминанты преступности коррупционной направленности // Молодой ученый. — 2016. — №14. — С. 472-474. — URL <https://moluch.ru/archive/118/32831/> (дата обращения: 03.06.2019).



8. Kriminologiya. Darslik. Oliy o'quv yurtlariaro ilmiy-uslubiy birlashmalar faoliyatini muvofiqlashtiruvchi kengash tomonidan nashrga tavsiya etilgan // Professor Z.S. Zaripovning umumiy tahriri ostida. O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2008.
9. <http://uza.uz/oz/society/zbekistonda-korruptsiya-kamaymo-da-12-07-2018>
10. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди материаллари.
11. Антикоррупционные реформы в Узбекистане. 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией., ОЭСР 2019.
12. Локальные правовые акты о труде как источники трудового права России в современных условиях <http://www.dslib.net/trud-pravo/bukreeva-lokalnye-pravovye-akty-o-trude-kak-istochniki-trudovogo-prava-rossii-v.html>